



Америка Кўшма Штатларининг Кентукки штатида ўк-ёй ёки найза билан балик овлаш тақиқланган.

Гери шахрида (Индиана штати) саримсок егач тўрт соат ичида жамоат транспортига чиққан одам жарима тўлайди.

Бутун Калифорния штати худудида сичконга копкон кўйиш учун овчилик гувоҳномаси бўлиши шарт.

Алабаманинг Жаспер шахрида эр ўз хотинини калтаклаш ҳуқуқига эга, фақат таёк йўгонлиги жимжилोक йўгонлигидан ошмаслиги керак.

Дунёда энг илгор саналган АКШ аҳолисининг 20 миллиони ўқиш-ёзишни билмайди, 30 миллионга яқини эса фақат бошлангич маълумотга эга.

АКШнинг Огайо ва Калифорния штатларининг кўчалари ва жамоат жойларида одамларни уларнинг розилигисиз фото ёки камерада суратга тушириш беш юздан минг долларгача жарима билан жазоланади. Аризона штатида мехмонхонада унутиб қолдирилган буюм ёки пул бир йилу бир кун сакланади, агар шу муҳлат ичида эгаси олиб кетмаса, у мехмонхона мулкига айланади.

Вашингтон яқинидаги Дўстлик тепалиги шаҳарчасида яшовчи кашандаларга шахсий уйларида ташқари ҳамма жойда чекиш тақиқланган.

Америка Кўшма Штатлари ўзига хос пазандачилик санъати ва миллий таомларига эга бўлмаган дунёдаги ягона мамлакатдир.

АКШда хайвонлар учун мингдан ортик сартарошхона ишлаб турибди.

Хозир АКШда ҳар 16 талабага биттадан ўқитувчи тўғри келади.

Нью-Йоркда ҳар йили 300 киши каламуш тишлаб олганидан, 1500 киши одам тишлаб олганидан тиббий ёрдам муассасаларига мурожаат қилади.

АКШ аёлларининг 95 фоизи турмушга чиқаётиб кизлик фамилиясидан осонгига воз кечади, аммо олий маълумотли ва шаҳарларда яшовчи аёллар фамилиясини ўзгартиришни ёқтиришмас экан.

АКШда ўтказилган савол-жавоблардан маълум бўлишича, америкаликларнинг 90 фоизи ишхонада ва уйда мунтазам ёлгон ишлатар экан. Хатто АКШ президенти Жорж Буш (кичиги) Ирок уруши давридаги бир йил ичида бўлган расмий учрашув ва баёноتلарда 922 марта ёлгон гапирган.

Голливуднинг кекса киноюлдузи Элизабет Тейлор умри давомида тўққиз марта эрга теккан, охириги турмушга чиққанида ёши саксондан ошган эди.

Оддий америкалик бир ҳафтада ўртача ўттиз бир соатни телевизор каршисида ўтказади. Америкалик ўқувчилар мактабни битиргунча “зангори экран” орқали саккиз мингта котилликни кўришади.

АКШда бир йил ичида ўртача ўттиз минг киши котиллик қурбони бўлади. Бу мамлакатда содир этилган жиноятларнинг бор-йўғи 22 фоизигина очилади.

Нью-Йоркда ҳар куни ўртача 40 мингта қалбаки доллар ушлаб қолинади.

АКШ аҳолисининг 62 фоизи ортиқча семириб кетишдан, 44 миллион киши турли хасталиклардан азоб чекади.